



Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2019 йил май ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Самарқанд шаҳар “Рахмат-обод” МФЙ биносида бўлиб, якка тартибда, судья А.М.Олтибоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Суванкулованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Мирзаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Қ.Джавадов, жабрланувчи вояга етмаган И.Ходжамкуловнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

[REDACTED] 1965 йил 10 декабрь куни Самарқанд туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ишсиз, сайланмаган, судланмаган [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича унга нисбатан муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулоса нусхасини 2019 йил 11 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], 2018 йил 22 декабрь куни соат 16⁵⁰ да Самарқанд шаҳар Кимёгарлар қўрғони 29-даҳа 32-уй 5-хонадонда жабрланувчи вояга етмаган Ходжамкулов Исфандиёр Шодиёр ўғли билан ўзаро оилавий келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида жабрланувчи И.Ходжамкуловни бош ва юз соҳасида уриб, унинг соғлиғини қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2018 йил 22 декабрь куни соат 16⁵⁰ да Самарқанд шаҳар Кимёгарлар қўрғони 29-даҳа 32-уй 5-хонадонда жабрланувчи вояга етмаган Ходжамкулов Исфандиёр Шодиёр ўғли билан ўзаро оилавий

келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида уни бош ва юз соҳасида уриб, унинг баданига тан жароҳати етказганлигини, ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, у жабрланувчининг қонуний вакили ва ўзидан кечирим сўраганлигини, лекин жабрланувчи ва унинг қонуний вакили уни кечирмаганлигини, шунинг учун унга нисбатан қонуний ёрдам қилишни сўради.

Вояга етмаган Ходжамкулов Исфандиёр Шодиёр ўғли педагог Р.Бутаеванинг иштирокида суд мажлисида 2018 йил 22 декабрь куни соат 16⁵⁰ да Самарқанд шаҳар Кимёгарлар кўрғони 29-даҳа 32-уй 5-хонадонда судланувчи У.Кудратов у билан ўзаро оилавий келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида уни бош ва юз соҳасида уриб, унинг баданига тан жароҳати етказганлигини, ҳозирги кунда у ва унинг қонуний вакили судланувчини кечира олмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED]нинг жиноят содир этганликда айби, жабрланувчининг аризаси, суд-тиббий экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Судланувчи [REDACTED]нинг айбли ижтимоий хавфли қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки у жабрланувчининг соғлигини қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ушбу жиноятни қасддан содир қилганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, [REDACTED]га жазо тури ва миқдорини тайинлашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори 4-банди яъни “иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим”-деган ва 28-бандида яъни “ҳукм

чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин”-деган,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида яъни “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деган ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 25¹-моддасида яъни “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир, тушунтирилсин-ки, суд ҳукмининг қарор қисмида озодликни чеклаш тариқасидаги жазо, яшаш жойини бутунлай тарк этишни тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг мазмуни аниқ кўрсатилиши лозим. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга, вояга етмаганларга эса олти ойдан икки йилгача тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни ўташ шартлари суд томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва жазони ўташдан бўйин товлашнинг олдини олишни инобатга олган ҳолда белгиланади” деган ҳамда,

25²-бандидаги “Жиноят кодексининг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қўйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин, муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, маҳкумларнинг назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, мазкур тақиқлар (чеклашлар) ЖК 48¹-моддаси биринчи қисмида белгиланган мажбурий тақиқлар (чеклашлар)га

қўшимча ҳисобланганлиги сабабли, уларни маҳкумнинг зиммасига юклатилиши суд ҳукмининг тавсиф қисмида асослантририлиши лозим. Шу муносабат билан маҳкумнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатлари инобатга олинган ҳолда, ушбу қўшимча тақиқлар (чеклашлар) суд томонидан маҳкумга тўла ёки қисман юклатилиши мумкин” деган ҳамда,

25³-бандидаги “Жиноят кодекси 48¹-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин. ушбу мажбуриятларни юклаш асоси суд ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозим”-деган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларини, унинг шахсини, оилавий шароитини, қилмишини оқибатларни тушуниб англаганлигини, содир қилган қилмишидан пушаймонлигини, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир қилганлигини инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457,460, 463,465-468,471-473-моддаларига амал қилиб, суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

■ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан, 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи ■ яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи ■:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик

-алкоголли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи ■ ҳулқи устидан назорат олиб бориш Самарқанд туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича фуқаровий даво масаласида тарафларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497², 497⁴-моддаларига асосан, ҳукм устидан ҳукм эълон қилингандан сўнг 10 сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига шаҳар суди орқали апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкинлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест келтирилмаган тақдирда, кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

А.М.Олтибоев